

«Кимё, нефт-газни қайта ишлаш ҳамда озик-овқат саноатлари инновацион технологияларини долзарб муаммолари» Республика илмий-техникавий анжумани

22 ноябрь 2017 й.

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 13 февралдаги 126-ф-сонли Фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигини 2017 йил 17 февралдаги 86-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда халқаро ва республика микёсида ўтказиладиган тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2017 йил 22 ноябрда Тошкент кимё-технология институтида «Кимё, нефт-газни қайта ишлаш ҳамда озик-овқат саноатларини ривожлантиришда инновацион технологияларни долзарб муаммолари» мавзусида Республика илмий-техникавий анжумани ўтказилди. Ўтказилган анжуманга Республика Олий таълим муассасаларидан ва Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларидан мақолалар тақдим этилган. Анжуман ялпи мажлисида олимлар ва етук мутахассислар томонидан маърузалар тингланди. Ушбу конференция фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш мақсадида кимё технология, нефть-газни қайта ишлаш, қурилиш, металлургия, экология ва озик-овқат технологиялари соҳаларида олимларнинг муҳим илмий-техник ютуқлари ҳақида ахборот алмашинувини жадаллаштириш, ечими биринчи даражада талаб қилинаётган муаммоларни аниқлаш, илмий-техника ютуқларини тезлик билан халқ хўжалигига татбиқ этиш, олимлар ва саноат ходимлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, илмий ходимларнинг малака ҳамда ишбилармонлик фаолиятини оширишга қаратилган.

Ўтказилган анъанавий анжуман олимларни илмий ечимларини коммерциялаштириш йўли билан иқтисод тармоқлари ташкилотларини инновацион ривожланишига ҳисса қўшиш, ишлаб чиқаришда янги иш жойларини яратиш, яратилган технологияларни трансфер қилишдан иборат. Анжуман шўъбалари йуналишлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилаётган ва чет элдан келтириляётган маҳсулотлар ўрнини боса оладиган янги самарадор материаллар ва уларни ишлаб чиқаришга оид технологияларини яратиш, хом-ашё базасини кенгайтириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби долзарб назарий ва амалий масалалар ечимини аниқлаш, кимё технологияларнинг иқтисодий ва экологик самарадорлигини ошириш, озик-овқат маҳсулотлар технологияси ва менежмент соҳаларидаги долзарб масалаларни ҳал қилишга бағишланган. Анжуманда турли олий таълим муассасалари, илмий ва ишлаб чиқариш корхоналарининг етук мутахассис олим, илмий ходим, ва изланувчи тадқиқотчилари томонидан 180 дан ортиқ маъруза тақдим этилди.

Анжуманнинг очилиш ялпи мажлисида, Тошкент давлат техника университетини профессори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, т.ф.д., Юсупбеков Н.Р. “Современные тенденции развития систем управления сложными технологическими производствами” мавзусида; Ўз ФА ўсимлик моддалар кимёси илмий тадқиқот институти, Юқоримолекуляр ўсимлик моддалари кимёси лабораториясини мудири, к.ф.д., Рахмонбердиева Р. К. “Растительные полисахариды и их биологическая активность” мавзусида; Тошкент кимё-технология институти доценти, т.ф.д. Муродов М.М. “Инновационные технологии получения целлюлозы и её производных на основе одно- и многолетних растений, а также различных промышленных волокнистых отходов” мавзусида; Тошкент кимё-технология институти магистранти Гайратов О.Г. “Перспективы развития биогазовых технологий в Узбекистане” мавзусида; Тошкент кимё-технология институти “Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув” кафедрасини мудири PhD Норқобилов А.Т. “Optimal design of hybrid separation processes for the production of octan enhancers” мавзусидаги маърузалар тингланди.

Анжуман якуни бўйича олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга, таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграцияси натижалари замон талабига жавоб беришига, илмий муассасалар ва корхоналарда инновацион гуруҳларни яратилишига, янги технологияларни лицензия шартномалари асосида тадбиқ этилишига, олий ўқув юртларидаги олий малакали кадрларни тайёрлашда ҳамда уларни илмий изланишлари республикамизнинг ривожланишига қаратилган.